Юнусобод туманининг бир қисми: темир йўли ва Аҳмад Дониш кўчаси кесишган жойдан, темир йўлнинг ўнг томони бўйлаб Қорақамиш ариғига, Қорақамиш ариғининг ўнг томони бўйлаб оқимга қарши Юнусобод-9 ва 10-мавзёлари оралиғидаги кўчага, Юнусобод-9 ва 10-мавзёлари оралиғидаги кўчанинг ўнг томони бўйлаб Уч Қахрамон кўчасига, Уч Қахрамон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қулоқтепа кўчасига, Қулоқтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасига, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб темир йўлга бўлган чегараларда (25,9).

54-Уч Қахрамон сайлов округи

Маркази - 271-мактаб
Юнусобод туманининг бир қисми: Тошкент-Арис темир йўли ва Қорақамиш ариғи кесишган жойдан Тошкент-Арис темир йўлининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлига, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасига, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасига, Амир Темур шоҳ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қулоқтепа кўчасига, Қулоқтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб Уч Қахрамон кўчасига, Уч Қахрамон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Юнусобод-9 ва 10-мавзёлари оралиғидаги кўчага, Юнусобод-9 ва 10-мавзёлари оралиғидаги кўчанинг ўнг томони бўйлаб Қорақамиш ариғига, Қорақамиш ариғи бўйлаб Тошкент-Арис темир йўлига бўлган чегараларда (29,7).

55-Мустақиллик сайлов округи

Маркази - 246-мактаб
Юнусобод туманининг бир қисми: Аҳмад Дониш ва Янгишаҳар кўчалари кесишган жойдан Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлига, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб, «Умид» ва «Бободехқон» маҳаллалари чегарасига, «Умид» ва «Бободехқон» маҳаллалари чегарасидан Хиёбон кўчасига, Хиёбон кўчасини кесиб ўтиб «Бободехқон» ва «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳаллалари чегараси бўйлаб Юнусота кўчасига, Юнусота кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янги Юнусобод кўчасига, Янги Юнусобод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янгишаҳар кўчасига, Янгишаҳар кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасига бўлган чегараларда (25,8).

56-Бободехқон сайлов округи

Маркази - 258-мактаб
Юнусобод туманининг бир қисми: «Бободехқон» ва «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳаллалари чегараси ва Юнусота кўчаси кесишган жойдан «Бободехқон» ва «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳаллалари чегарасининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлига, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Бободехқон 1-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Юнусобод 18-мавзе ҳудудини қамраб олган ҳолда Юнусота кўчасига, Юнусота кўчаси бўйлаб «Бободехқон» ва «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳаллалари чегарасига бўлган чегараларда (19,0).

57-Отчопар сайлов округи

Маркази - Чинобод сихаттоҳи
Юнусобод туманининг бир қисми: Бўзсув канали ва Амир Темур кўчаси кесишган жойдан, Бўзсув канали оқимига қарши чап томони бўйлаб Уруғчилик станциясига, Уруғчилик станциясидан «Посира» ва «Обод» маҳаллалари чегараларининг чап томони бўйлаб Салор каналига, Салор каналининг чап томони бўйлаб Боғишамол кўчасига, Боғишамол кўчасининг чап томони бўйлаб Тошкент — Арис темир йўлига, Тошкент — Арис темир йўли бўйлаб Катта ҳалқа йўлига, Катта ҳалқа йўли бўйлаб Бободехқон 1-тор кўчасига, Бободехқон 1-тор кўчасининг чап томони бўйлаб Юнусота кўчасига, Янги Юнусобод кўчасининг чап томони бўйлаб Янгишаҳар кўчасининг чап томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасига, Аҳмад Дониш кўчасининг чап томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасига, Амир Темур шоҳ кўчасининг чап томони бўйлаб Бўзсув каналига бўлган чегараларда (24,4).

Яккасарой тумани

58-Бошлиқ сайлов округи

Маркази - 127-мактаб
Яккасарой туманининг бир қисми: Кичик Бешёғоч ва Нукус кўчалари кесишган жойдан Кичик Бешёғоч кўчаси ўнг томони бўйлаб темир йўлга, темир йўл бўйлаб (Жанубий вокзал ҳудудини қамраб олган ҳолда) Усмон Носир кўчасига, Усмон Носир кўчасининг ўнг томони бўйлаб Бобур кўчасига, Бобур кўчасининг ўнг томони бўйлаб Нукус кўчасига, Нукус кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик Бешёғоч кўчасига бўлган чегараларда (18,6).

59-Бўрижар сайлов округи

Маркази - 73-мактаб
Яккасарой туманининг бир қисми: Нукус ва Кичик Бешёғоч кўчалари кесишган жойдан, Нукус кўчасининг ўнг томони бўйлаб Бобур кўчасига, Бобур кўчасининг ўнг томони бўйлаб Авлоний кўчасига, Авлоний кўчасининг ўнг томони бўйлаб Жамшид Шоший кўчасига, Жамшид Шоший кўчаси бўйлаб Урикзор кўчасига, Урикзор кўчаси бўйлаб Урикзор 3-тор кўчасига, Урикзор 3-тор кўчаси бўйлаб Баходир кўчасига, Баходир кўчаси бўйлаб Баходир ва Урикзор кўчалари кесишган жойдан Бўржар каналига, Бўржар, Анҳор канали (оқимга қарши) бўйлаб Ўзбекистон кўчасига, Ўзбекистон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Яккасарой тумани чегараси бўйлаб Миробод кўчасига, Миробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта Миробод кўчасига, Катта Миробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик Миробод 1-тор кўчасига, Кичик Миробод 1-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик Бешёғоч кўчасига, Кичик Бешёғоч кўчасининг ўнг томони бўйлаб (Кичик Бешёғоч кўчасидаги 115-уйни қамраб олган ҳолда) Нукус кўчасига бўлган чегараларда (20,0).

60-Ракат сайлов округи

Маркази - 144-мактаб
Яккасарой туманининг бир қисми: Усмон Носир ва Бобур кўчалари кесишган жойдан Усмон Носир кўчасининг ўнг томони бўйлаб темир йўлга, темир йўл бўйлаб Бўржар каналига, Бўржар канали бўйлаб оқимга қарши Баходир кўчасига, Баходир кўчасининг ўнг томони бўйлаб Урикзор 3-тор кўчасига, Урикзор 3-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Урикзор кўчасига, Урикзор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Жамшид Шоший кўчасига, Жамшид Шоший кўчасининг ўнг томони бўйлаб Авлоний кўчасига, Авлоний кўчасининг ўнг томони бўйлаб Бобур кўчасига, Бобур кўчасининг ўнг томони бўйлаб Усмон Носир кўчасига бўлган чегараларда (21,1).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси
Ж.ШОҲАКИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2009 йил 5 октябрь

ТАДБИРКОР

Юртимизда тадбиркорлик соҳаси ривожига қаратилган катта эътибор боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафи ортиши баробарида уларда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар ички ҳамда ташқи бозорда ўз ўрнини топмоқда, рақобатбардош хизматлар тури эса истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.



Интилганга — толе ёр

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТАДИ

ридор диди ва талабига жавоб бериши, юксак дизайни билан ажралиб туради.

Мазкур рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришда корхона ишчи-хизматчиларига Россиянинг ёғочни қайта ишлаш дастгоҳи ҳамда ускуналари кўп келмоқда. Шунинг баробарида корхона мутахассислари бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш цехларини модернизация қилишга эътибор қаратишмоқда. Албатта, замонавий технологияли линиялар келтириш, улар аҳолига ташқи ва ички бозорда харидорнинг маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган. Шу боис ҳам улар россиялик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамламоқда. Мазкур ҳамкорлар билан шерикликда қўша корхона ташкил этиш борасида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Ал-

батта, эзгу ният амалга ошса, бу келгусида ташқи бозорга чиқиш, яъни маҳсулот экспортини йўлга қўйиш имкониятини яратяди.

Корхонада бугунги кунда 30 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Албатта, юқоридаги режалар амалга ошса, яна ўнлаб ишчи ўринлари яратилиб, маҳаллий ёшларнинг иш билан таъминлиши асосий мақсадлар сирасидандир. Айни пайтда тадбиркорларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари 50 хилдан ортинки ташкил этмоқда ва ички бозорда харидорини топмоқда. Ушбу дурадгорлик ва бунёдкорлик ашёларидан қурилиш ташкилотлари ва тадбиркорлар кенг фойдаланишмоқда. Айниқса, пойтахтимиздаги кўплаб қурилиш ташкилотлари ва фирмалари билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Уларнинг буюртмалари сифатли ва ўз вақтида адо этилиб, талаблари қондирилмоқда.

Буюртмага кўра тайёрланаётган 30 хил эшиклар, 20 хилга яқин дераза ромлари корхона мутахассисларининг бозорни, харидор дид ва талабини ўрганиши асосида миқозларга етказиб берилмоқда. Шу боис ҳам улар кўриниши, ўзгача дизайни билан ажралиб туради. Албатта, бу борада моҳир дизайнерлар чет эл каталогларидан ҳам ижодий фойдаланишмоқда.

Корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми юқорилаб бормоқда. Ҳатта йилда 75 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган жамоа аҳли жорий йилда ушбу кўрсаткични бир неча баробарга ошириш ниятида меҳнат қилишмоқда. Бугунги изланишлар, саъй-ҳаракатлар ана шунга яраша бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона цехларида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратилади.
Ҳакимжон Солихов олган суратлар



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бунёдкорлик кўлами тобора авж олган ва замонавий кўркам иншоотлар, жаҳон андозаларига мос бинолар қуриллаётган бугунги кунда қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Мухими эса эндиликда зарур ва сифатли, четдан келтириладиган товарлар ўрнини босувчи ҳамда улар билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотларнинг ўзини-ўзи тайёрланаётгани, бу борада замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланилаётгани тадбиркорларимизнинг изланишларидан ёрқин далолатдир.

Шажримизда фаолият кўрсатган «Дурадгор буюмлари» масъулияти чекланган жамиятида ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Ана шу маълум мутахассисларнинг саъй-ҳаракати билан ишлаб чиқарилаётган қурилиш-дурадгорлик ашёлари сифатига қаратилган эътибор буюртмаларнинг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонада асосан ёғочни қайта ишлаш асосида турли маҳсулотлар тайёрланади. Айниқса, ёғочни қайта ишлаш йўли билан замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган турли хил эшиклар ва дурадгорликда қўлланиладиган ранг-баранг маҳсулотлар бугунги ха-

Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Хуқуқий Ҳимоя

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Шу боис ҳам мамлакатимиз Президентининг тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган Фармон ва Қарорларининг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига, айниқса, энди-энди фаолият бошлаган ёш тадбиркорларга етказиш борасида шаҳар Адлия бошқармаси масъул ходимлари томонидан улар ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хуқуқий муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият, солиқ идоралари ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинар-йиғилишларда тақдирларини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавабгарлигини кучайтириш мақсадида қабул қилинган Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармонининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу Фармон талабига кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текширувдан ўтказиш, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини буйича улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги белгиланган.

Ўз навбатида, шаҳримизда фаолият юритаётган тадбиркорларга фаолиятларига доир меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар, фикр-мулоҳазалар билан Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 262-92-42 рақами «Ишонч телефони»га мурожаат қилишлари мумкинлигини таъкидлаймиз. Албатта, ҳар бир шикоят ва мурожаат эътиборда бўлади.

Одил АЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Тадбиркорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бosh маслаҳатчиси

Кичик бизнес

СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2008 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг муносиб ҳиссаси бор.



Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш баробарида ички бозорга ҳам ўз маҳсулотларини тортиқ этаётган «Velvetine» хусусий фирмаси тадбиркорлари ҳам ички иланишда меҳнат қилмоқда. Корхонанинг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган цехида фаолият кўрсатаётган чеварлар буюртмаларни вақтида удалашга ва сифатга алоҳида эътибор қаратишади. Шу боис бўлса керак, миқозлар сафи кенгайиб бормоқда, янги-янги моделдаги кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

— Юртимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл, яратилаётган катта имкониятлар менга ҳам кўп келди, — дейди хусусий фирма директори Саодат Шокосимова. — Ташкил топганимизга кўп вақт бўлмасда, ўз иланишларимиз билан кўплаб буюртмачиларни жалб этаямиз ва миқозларимиз талабини қондираямиз. Маҳаллий хом ашёдан

фойдаланган ҳолда бугунги кун харидор талабига мос либослар яратаямиз. Тикаётган маҳсулотларимизда миллий ва европача услубни уйғунлаштиришимиз яхши самара бермоқда. Аёллар учун тайёрланган кийим-кечакларимизнинг турли тошлар билан безалиши, каштачилар билан ҳамкорликда нақшлар тузирилиши уларнинг харидорлигини оширмоқда. Эрақлар учун ҳам замонавий кийимлар тикаяамиз, болаларга мўлжалланган либосларимиз эса иклим шароитимизга мос, қўлай ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда тикилаётган кийим-кечакларнинг асосий дизайнери корхона раҳбарининг ўзи бўлиб, у бу борада хорижий каталоглардан фойдаланади, бозор талаби ҳамда харидор дидини тинмай ўрганади. Фирмада меҳнат қилаётган тикувчилар эса сифатга эътибор қаратишади, ҳар бир буюртмачининг талабини қондиришга интилади.

Тадбиркорлар «Чиройли, қўлай, замонавий, бежирим» ширрига амал қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Уларнинг асл мақсади бозорни харидорнинг тикув маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида, аҳолига намунали хизмат кўрсатишдир. Буюртмаларни ошира бо-риб келгусида фирманга кенгайтириш, хотин-қизларни ишга жалб этиш кўзда тутилган. Айни пайтдаги саъй-ҳаракатлар ана шунга яраша олиб бориляпти.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТДА: фирма тикувчилари фаолиятдан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат

Сўранг, жавоб берамиз

ЗАРАРНИ КИМ ТўЛАЙДИ?

Якка тартибдаги тадбиркорман. Бозордаги дўкончалардан бирида сотувчилик қиламан. Корхоналардан буюртма асосида чинни идишлар келтириб сотаман. Яқинда буюртма берган корхонамиз вакиллари маҳсулотини дўконгача келтириб беришди. Лекин мен қўтиларни очиб қараганам эдим. Битта қўтидаги идишлар синиқ экан. Улар «Биз товари бутун берганмиз» дейишди. Ушбу ҳолатда зарарни ким тўлаши керак бўлади?

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 392-моддасида қуйидагича белгиланган бўлиб, агарда олди-сотди шартно-

масида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи сотувчи товарни со-

тиб олувчига топшириш бўйича ўз мажбуриятини қонун ёки шартномага мувофиқ бажарган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб со-

тиб олувчига ўтади. Агар тарафлар келишувидан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўлда бўлган пайтда сотилган

товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи шартнома тузилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Олди-сотди шартномасининг товар тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи у биринчи ташувчига топширилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтиши ҳақидаги шарт, агар шартнома тузилган пайтда сотувчи товар йўқолгани ёки шикастлангани билан, ёхуд бўлса лозим бўлган бўлса ва бу ҳақда сотиб олувчи-га маълум қилмаган бўлса, сотиб олувчи талабига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топил-лиши мумкин.

Касаба уюшмалари фаолиятдан

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Кунги кеча Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик sanoati тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмита раисларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда соҳага қаршли корхоналарда «Алломиш ва Барчиной» тестларини топшириш ва ишлаб чиқариш гимнастикасини йўлга қўйиш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 2006 йилдаги касаба уюшмалари томонидан «Касаначиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг кенгашига қаршли бўлган корхоналардаги ижроси ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг 2009 йил ёз мавсуми якунлари каби бир қатор масалалар кўрилди. Натижалар сарҳисоб этилиб, ютуқ ва муаммолар таҳлил қилинди, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Шу билан бирга айни қизгин обуна мавсуми эътиборга олиниб, йиғилиш иштирокчилари «Ишонч», «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталаридан таклиф этилган журналистларнинг келаси йил иш режалари билан танишдилар. Айтиб ўтиш жоизки, соҳа мутахассислари ва журналистлар билан юзма-юз мулоқот жуда жонли, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда кечиб, қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

— Жуда тез ривожланаётган бугунги ахборот асрида ҳаётимизни матбуотсиз, газета-журналсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар металлургия ва машинасозлик sanoati тармоқлари касаба уюшмалари раиси Шоирмурод Исроилов. — Шунинг учун ҳам ҳар йили ўзимиз севган газета-журналларга вақтида обуна бўламиз. Доимо ишчи-хизматчиларимизнинг республикамизда бўлаётган барча ислохотлар, янгилик, ўзгариш ва меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича олиб борилаётган барча хайрли ишлардан хоҳабар бўлишларига имкон яратишга ҳаракат қиламан. Бугунги учрашувни ташкил этишдан мақсадимиз ҳам ўзимиз севган газеталарнинг вакилларига газетхонлар фикрини етказиш, келгусида нималарга эътибор қаратилиши кераклиги, четда қолаётган мавзуларни яна газета саҳифаларида ўқиниш йўлга қўйишга эришиш, бир хиллик эмас, балки ранг-баранглик ўқувчилар сафини йўқотмасликка хизмат қилишини етказишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЖАРРОҲЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛARI

Жарроҳлик — тиббиётнинг мураккаб ва муҳим йўналишларидан. Бу соҳада диагностика ва даволаш ишлари кўлами тобора кенгайиб бораётгани тўғрисида ишеник инсульт ва нафас йўллари хасталиқларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда замонавий жарроҳлик усуллари кўллаш масалалари ўз ечимини топмоқда. Ушбу йўналишдаги илгор технологиялар мамлакатимиз тиббиётида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Тошкентда хирургиянинг долзарб муаммоларига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шулар алоҳида қайд этилди. Тадбир юртимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Алимов, Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида халқимизга шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими шаклланди. Бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тармоғи жаҳон андозалари талаблари асосида қайта ташкил этилди. Ҳозирги кунда уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари жойларда аҳолига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Тиббиёт масканларини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган Тошкент тиббиёт академиясида ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш учун барча имкониятлар яратилган. Талабалар профессор-ўқитувчилар иштирокида тиббиёт илмининг долзарб муаммолари ечимига йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастурларидан белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилиши бу борадаги илмий-амалий ишлар кўламининг янада кенгайтириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини мунтазам оширишда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Бу чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида тиббиётнинг барча тармоқлари сингари жарроҳлик ҳам тубдан такомиллашмоқда. Олимларимиз бу жаҳабда жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётган минимал инвазия технологиялардан самарали фойдаланмоқда. Лапароскопия, эндоваскулялар ва эндобиллар хирургия деб аталувчи бундай янги технологиялар хасталикка тез ва аниқ ташхис қўйиш, беморларни оғир хасталиклардан бутунлай бартараф этиш ва соғлом ҳаётга қайтаришда ўз самараларини бераётди.

Жаҳон тиббиётида қўлланилаётган ушбу йўналишдаги замонавий технологияларни янада такомиллаштиришга мамлакатимиз олимлари ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Ўт пуфаги, жигар ва бошқа аъзолардаги хасталикларни даволашда яхши самара бераётган бир қатор минимал инвазия технологиялар мутахассисларимизнинг ана шу йўналишдаги илмий изланишлари маҳсулидир.

Икки кун давом этадиган анжуманда қон томир ва абдоминал жарроҳлик ҳамда ангионеврология соҳасида амалга оширилаётган илмий изланишлар, қўлланилаётган янги технологиялар ва замонавий тиббий воситаларга оид маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

ХАМЮРТЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Туркияда 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган шахмат Олимпиадасининг бешинчи тур мусобақалари Ўзбекистон терма жамоасига муҳим галабани туҳфа этди.

Владимир Егин мураббийлигида шахмат Олимпиадасида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси бешинчи турда туркиялик «ақл гимнастикаси» усталари билан баҳс олиб борди ва мезбонларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Терма жамоамизнинг ушбу муваффақиятига умидли ёш шахматчиларимиз Улугбек Тиллаев, Жаҳонгир Воҳидов, Бобур Сатторов ва Олег Артёмченко муносиб ҳисса кўшишди.

Ушбу галабадан сўнг терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида Ҳиндистон ва Россия вакиллари билан сўнг учинчи ўринга кўтарилиб олди.

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Ноябрь ойида Вьетнамда ёпиқ иншоотларда Осиё ўйинлари мусобақалари бўлиб ўтади.

Осиё ўйинлари дастуридан мини-футбол бўйича беллашувлар ҳам ўрин олган. Ушбу нуфузли турнирда иштирок этишни мўлжаллаган Ўзбекистон терма

Маълумки, «Она ва бола скрининги» дастурининг мақсади, республикада миқёсда болалар ўлими ва ногиронлигининг олдини олишдир. Бугунги кунда баъзи бир оналар скрининг текшируви ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Шу боис қуйида скрининг текшируви, унинг турлари, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Хўш скрининг текшируви нима? «Она ва бола скрининги» янги туғилган чақалоқларда ва ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш ва уларга ўз вақтида керакли чора-тадбирларни кўллаш имкониятини яратди. Скрининг текширувларининг турлари қуйидагилардан иборат.

1. Янги туғилган чақалоқларда махсус қон таҳлили (анализи) ўтказилиб, уларда ирсий касалликлар аниқланади.

2. Ҳомиладор аёлларда қон таҳлили орқали ҳомила ривожлани-

лари билан касалланган болалар дунёга келади.

Гипотериоз боланинг жисмоний ўсишининг орда қолишига, ақлий фаолиятининг сустайишига олиб келади. Касалликни эрта аниқлаш ва зарур даво чораларини ўз вақтида бошлаш боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш имкониятларига йўл очиб беради. Ақс ҳолда ақлий ва жисмоний ўсишдаги бу йўқо-тишларни тиклаб бўлмайди ҳамда болада ақлий ва жисмоний заифликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Болада туғма гипотериознинг

Соғлом она — соғлом бола

ТУҒМА НОГИРОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

шида нуқсонлар борлигини аниқлаш мумкин. Скрининг марказида ҳомиладор аёлларда қўшимча текширишлар ўтказилиб, ногирон фарзанд туғилиши (масалан Даун синдроми, гидроцефалия ёки бошқа туғма ривожланиш нуқсонлари) аниқланганда аёлларга ўз вақтида керакли маслаҳатлар берилади.

Мамлакатимизда туғма гипотериоз ва фенилкетонурияни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш мақсадида янги туғилган чақалоқларда оммавий скрининг ўтказилмоқда. Ушбу касалликларни эрта аниқлаб, вақтида даво муолажалари ўтказилса, болани касалликнинг оғир оқибатларидан асраб қолиш мумкин.

Болада туғма гипотериоз касаллиги келиб чиқишининг сабаблари нимада? Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд.

1. Боланинг туғма гипотериоз ҳолати билан туғилишига оғирайд ёд этишмовчилиги натижасида юзага келадиган қалқонсимон без фаолиятининг этишмовчилиги сабаб бўлади.

2. Қариндошлик никоҳида ота-она касаллик генларининг ташувчиси бўлса, бундай ота-оналардан туғма гипотериознинг оғир шакл-

олдини олиш мумкинми?

Бунинг учун аёл ҳомиладорликдан олдин, ҳомиладорлик вақтида ва бола кўкрак сути билан эмизилаётганда суткасига 200 мкг калий йодид (йодид-200) қабул қилиши керак. Бу болада гипотериознинг олдини олади.

Фенилкетонурия қандай касаллик? Бу ирсий касаллик бўлиб, наслдан-наслга яширин ҳолда ўтади, яъни соғлом ота-онадан касал фарзанд туғилади. Ота-оналар фенилкетонурия касаллиги генини ташувчилар бўлса, ушбу генларни улар ўз фарзандларига берадилар ва фарзанд фенилкетонурия билан туғилади. Агар ота-она қариндош бўлса, фарзандларининг касалликка чалиниш эҳтимоли юқори бўлади. Оилада касал фарзанд борлиги кейинги фарзанднинг ҳам шу касалликка чалиниш эҳтимолини оширади.

Эслатиб ўтамиз, фарзандингиз соғлом бўлишини истасангиз, ўз соғлигингизга эътиборли бўлинг, азиз аёллар, ўз вақтида скрининг текширувларидан ўтишни унутманг.

Тошкент шаҳар Махсус жамоатчилик кенгаши

жамоаси учун «Ўзбекистон» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича уюштирилган «Дўстлик кубоги» турнири маҳорат мактаби вазифасини ўтади дейиш мумкин. Чунки ушбу турнирда Осиёнинг тўққиз карра чемпиони Эрон терма жамоаси, Қозоғистон терма жамоаси ҳамда Қозоғистоннинг «Қайрат» клуби ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШАДИ

Шаҳримизда спорт гимнастикаси бўйича уюштирилган Ўзбекистон кубоги баҳслари якунига етди.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган спортчилар иштирокида ташкил этилган турнир қизиқарли ва муросиз курашлар остида кечди.

Эрақлар беллашувларида жаҳон чемпиони ва Пекин Олимпиадаси совриндори Антон Фокинг тенг келадиган рақиб топилмади.

Хотин-қизлар беллашувларида эса омад Луиза Галиуллинага кулиб боқди.

Эндиликда ҳар икки спортчимиз Лондонда уюштирилмаган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Хукм ўқилди

НАФС БАЛОСИ

Аёл... Бу сўз замирида биз ибодат, ҳаё, латофатни кўраимиз. Аммо, орамизда шу сўзнинг беғубор юзига доғ тушираётганлар ҳам учраб турадики, беихтиёр бу ғуборни тезда ювиб ташлашни, аёл соғлигини, унга хос шаффоқликни асраб қолгинг келади.

Гавҳар Раҳмонова (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартрилди) илгарилари аёл садокати, соғлиғига риоя этиб яшарди. Бирок нафсининг кўним билмайдиган чирмовиги уни ўз домига олгач, йўлдан адашди. Дунёда йўлни имонсизлик тўси. Хуллас, шу йилнинг 23 январидида «Кўйлик» деҳқон бозорининг рўпа-расидида Нурафшон кўчасига борган Гавҳарга бундан фарғоналик Даврон Олимовни учратиб қолади.

— Сиз гуруч олди-сотдиси билан шуғулланасизми? — сўради Гавҳар.

Даврон унга хайрихоҳ жавоб қайтаради.

— Яхши. Менга гуруч керак. Илоҳи бўлса, кўпроқ... Агар Фарғонадан юклар жўнатилса, шу ерда сотиб, пулларини бериб юборадим, — тақлиф қилди Гавҳар.

Даврон оёқ остидан чиққан «ҳожатбарор»ни кўриб қувонди. Бирок бу шодлик ўткинчи эди. Гавҳар уни чўв тушириш режасини тузаетгани. Шундай қилиб фирибгар эртаси кун Фарғонага, Даврон Олимовнинг уйига келади. Бу ерда у мезбоннинг савдодаги шериги Фафуржон Иқболлов билан танишади.

— Менга ҳозирча икки қоп гуруч берсангиз... — Гавҳарнинг сўзларида ўзига нисбатан ишонч порлади. — Уларни сотаман-у, йўловчи машиналарнинг биридан пулларини жўнатиб юбораман.

Д.Олимов, Ф.Иқболловлар Гавҳарнинг лафзига ишонди. Унинг кўлига умумий қиймати 210.000 сўмлик икки қоп гуручни тутқазди. Гарчанд сотилган гуручларнинг даромади уларнинг ҳамёнини қаплайтирмаган бўлса-да, икковлони Тошкентга маҳсулот жўнатишни қанда қилишмайди. Жумладан жорий йилнинг 25 январидида умумий нархи 1.785.000 сўмлик 850 кило-

граммлик гуруч маҳсулоти Г.Раҳмоновнинг кўлига келиб тушади. Ҳали гуручлар сотилмасдан туриб, Гавҳар Ф.Иқболловга шундай мазмунда кўнғироқ қилади.

— Бу гуручлар тезда сотилиб кетади. Иложи бўлса, яна 1 тоннага яқин гуруч жўнатиб юборсаларингиз. Ҳаммасининг пулини бирга бериб юбораман.

Савдо шериклари унинг бу гапига ҳам лаққа тушишади ва 26 январь кун 1.150 килограммлик умумий нархи 2.415.000 сўмлик гуруч маҳсулотини Г.Раҳмоновага жўнатиб юборишади. Тез орада Ф.Иқболлов, Д.Олимовлар навбатдаги, умумий баҳоси 6.825.000 сўмлик гуруч маҳсулотини Гавҳарга ишониб топширишади. Лекин эртаси кун ишонч вазиyat ўзгаради. Сотилган маҳсулотлардан хабар олмоқчи бўлиб кўнғироқ қилган шериклар дабдурустдан Гавҳарнинг уяли телефон аппарати ўчирилганига ажабланишади. Хавотирлари ортади. Улардаги алмойи-алжойи хаёллар тумандек тарқалмай туриб, кечки пайт нотаниш киши кўнғироқ қилади.

— Менинг исимим Иршод, — дейди у Фафурга. — Биз сотилган гуручларнинг 5.500.000 сўмининг хаворанг «Нексия» машинасида Фарғонага бериб юбординг...

Кўп вақтдан бери Гавҳардан тузуқ-куруқ жавоб ололмай ҳуноби чиқиб ўтирган Фафур кутилмаган кўнғироқдан севиниб кетади. Аммо Гавҳар бу гал ҳам «дон»ни «чўқмай» учиб кетади. Яна ҳам тўғривоғи Ф.Иқболлов, Д.Олимовлар Тошкент — Фарғона йўналишидаги автоулов ҳайдовчиларидан, ИПХ ходимларидан қанчалик сўраб-суриштирмасин ўзини Иршод деб таништирган шахс таъкидлаган «Нексия» машинаси билан дарак бўлмайди. Шундан сўнг, «мол аччиғи —

жон аччиғи»га чидай олмаган Д.Олимов эртаси кун «Кўйлик» деҳқон-бўм бо-зорига етиб келади ва Гавҳарни топади. Пулнинг даррагини эшитган сотувчи

— Мен пулларни жўнатишмаган, — дея туриб олади. Аммо унинг сўзларидан ўзига нисбатан ишончсизлик сезилиб турарди. Д.Олимов бундан пайқайди.

— Пулларимни қайтариб беринг, бўлмаса, милицияга хабар қиламан.

Охири дўқ-пўлисадан кейин Гавҳарнинг капалаги учиб кетади.

— Йўқ-йўқ. Ҳаммасини тинч йўл билан ҳал қиламиз. Истасангиз тилхат ёзиб бераман.

Тилхат ёзиб берилди. Аммо бу шунчаки хўжақўрсинга эди. Алдаш, ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилиш давом этаверди. Д.Олимов ва Ф.Иқболловлар Гавҳарнинг бу иши юзасидан ички ишлар идораларига мурожаат этишдан ўзга чора топа олишмайди. Одил судлов ушбу жиноий иш тафсилотларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, айбланувчи Г.Раҳмоновани Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбдор деб топиб беш йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Бу ишда адолат тантана қилди. Бирок биз масаланинг бошқа томонига эътиборни қаратмоқчимиз. Яхши танимаган, билмаган кишига шунча пуллик маҳсулотларни бемалол ишониб топшириш ҳам тўғри эмас. Ахир халқимиз этти ўлчаб, бир кес деб бежиз айтмаган-ку.

Дамира ТОЖИБОЕВА, Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судьяси. Хидирали ПАНЖИЕВ, журналист



РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунё клубларининг сентябрь ойи учун янги рейтинг жадвали натижаларини эълон қилди.

Унга кўра мамлакатимиз жамоалари «Бунёдкор» ва «Пахтакор» бир неча поғона юқори ўринга лойиқ кўрилган. Аввалги рўйхатда 69-ўринда кўрсатилган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» 64-ўринга кўтарилган бўлса, 109-ўринда бораётган «Пахтакор» 102-ўринга юқорилаган. Дарвоқе, «Бунёдкор» рейтинг рўйхатида кўра Осиёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Рейтинг жадвалининг энг юқори поғонасини Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси эгаллади.

(Ўз мухбиримиз)

ОЗ=ОЗ ўрганиб домо билур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Безарар бир манфаат бўлмас жаҳонда, ўйлаким, Бу жаҳон туби, асоси — манфаат ичра зарар.

Кўрқма, ғайрат бирла бос олдинга, омад излагил, Қочганинг бирлан қутулмагайсен, қувиб етгай қадар.

Даҳр агар жабр этса менга, мен анга сабр айлагум, Ҳар нечук келган бало турмас шу дунёда, кетар.

Этса шодон гар мени, масруру мағрур бўлмагум, Борму бир шодлик, фараҳким, ортида йўқдир қадар.

Фамга солса гар замон, бергай сурур ҳам бегумон, Фамга ошно қилди, ул, этгай севинчдин бахравар.

Машаққатларда қолсанг гар, таҳаммул айлагил токим, Ошарсен ул машаққатдин сабрни айласанг раҳбар.

Бу жаҳон аҳлида кўпдир хоҳишу Ҳирсу ҳавас, Ҳайламанг лек бақоси йўқ, омонатдир улар.

Не забардастлар талашди, етмади дунёга ҳеч, Неча ожизлар вале қудратга соҳиб бўлдилар.

Қудрату шиддат ила ризқ қўлга кирсайди агар, Унда чумчуқ ризқини лочин олардир ҳар сафар.

Даҳру дун бир ерда турмас, ўзгаринг ичра тамом, На ҳузуну на сурур бирдек туриб, этмас давом.

Жумла дунёнинг иши чун ҳийлаву мақру гурур, Бўлма масрур нашъасига, боқий эрмасдир сурур.

Тушса гар бошингга кун, шодланса душман, сен дегил:! Бас, бугун юзланди бизга, эрта сизга гал келур.

Маст этгувчи бойликдин фақирлик яхшидир.

Ҳаромнинг лаззати ўтгай, ўтиб, бир зумда битгайдир, Колур айбу гуноҳ, афсус, залолатга қоришган ор.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Муассис: **ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: **100029,**
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва ҳуҷума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2811 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонингга мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбос ақшадорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.й.
1 2 3 55